



ҚЎЛДАН ҚЎЛГА ЎТАДИ

«Постда» рўзномасининг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман. Унда берилаётган ҳар бир мақолани назардан қочирмайман. Ичкиликбозлик, ўғирлик, порахўрликни, фош этувчи мақолаларни ўқир эканман, қачонгача одамлар бир-бирига қасд қилади, хунхўрлик қачонгача давом этади, қачонгача навиҳол қизлар номуси топалади, деган аламли саволлар чангак каби миямни эзади. Бундай бедодликларнинг чегараси бормикан? Ёки одамлардан меҳр-оқибат бир умрга узоқлашдими?

«Постда» рўзномасини қайта тиклашдан мақсад ҳам республикамиздаги қабих ишларни фош этиш, ички ишлар ходимларининг олиб бораётган вазифалари, олдиди турган муаммоларини ёритиб боришдир.

Шу боис «Постда» рўзномасига 1992 йил учун обуна бўлдим. Унда мен ўз мақола ва хабарларим билан қатнашиб туришни ният қилганман. Туман ички ишлар бўлими ходимлари олиб бораётган ишлар, жонкуяр милиция ходимлари, участка инспекторлари ҳақида ёзишни режалаштирганман.

«Постда» рўзномасининг ранг-баранг бўлиши, ўқимишли мақолалар тайёрлаш учун жон куйдираётган ижодий ходимларга омад тилайман.

Илҳом ЮНУСОВ,
Зомин тумани.

ИККИ КУНДА

Янгийўл туманидаги Навоий номида давлат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Х. Маматқуловнинг уйда қий-чув кўтарилди. Бир гилам ва 5 та палосини ўғирлаган уй эгалари дарҳол милиция идорасига югурди. Милиция катта лейтенанти А. Дўсимов бошчилигидаги оператив гуруҳ хонадонни кўздан кечиришди. Соҳибларга бир неча саволлар берилди.

Ўғирларни қидириш бошланди. Бир неча кун ўтгач Абдужабборнинг қўлоғига фалон маҳаллада палос сотилармиш, деган чала гаплар етди. Миш-мишини текширгани борган ходим қидираётган палосга айбан ўхшашиги ҳақида хабар қилди. Жабрланувчи ўз молини дарров таниди. Вақтинчалик туриб турсини, хари дори чикса сотиб юбораверинг, деб ташлаб кетган ўғирлар 13 кун деганда қўлга олинди.

Халқобод қўргонда яшовчи Ж. Обидованинг уйда юз берган ўғирлик эса икки кунда очилди.

ҚўЧҚОР ЖУМАҚУЛОВ.



Йиллар ўтиб, яна бир оғир хатомизни тан олишга, мажбур бўлдик. Ўзгалар тупроғига виқор билан кириб, шармандаларча чиқиб кетдик. Негаки, на галаба нашъасини сурдик, на оддий тартиб ўрната олдик. Арининг уясини бесабаб тўзатдик, холос. Оналарнинг кўзларини сўқир, оталарнинг бағрини хун қилганимиз қолди.

Жумҳуриятимизда ҳарбий хизматни Афғонистон тупроғида ўтаб қайтган 64,5 минг йигит бор. Тошкент шаҳрида 5,5, пойтахт вилоятида 20 минг. Уларнинг 119 нафари вилоят ички ишлар идораларида хизмат қилишмоқда.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида уларга моддий, маънавий, тиббий, маиший ёрдам кўрсатишни тўғри йўлга қўйиш мақсадида йигилиш ўтказилди.

Ўзбекистон жумҳурияти Афғонистон фахрийлари Кенгаши унинг ташаббускори бўлди.

БОШҚАЛАР КЎРМАСИН

Йигилишни вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари Б. Ҳақимов кириш сўзи билан очди. 1982 йилда афғон юртида ҳалок бўлган Бекобод шаҳар ИИБ ходими Неймат Мўминовнинг турмуш ўртоғи Тожинисо Мўминовага бошқарма ходимлари томонидан йиғилган хайрия пулини топширди.

Сўнг минбарга жумҳурият Афғонистон фахрийлари Кенгашининг раиси Эркин Пулатов чиқди.

— Кенгашимизнинг тузилганига кўп бўлгани йўқ. Аммо қатор хайрия ишларини амалга оширишга улгурди. Уни тузишдан асосий мақсад уруш даҳшатларини бошдан кечириб, ўз тупроғида ҳам кўплаб ҳаётини муаммоларга, қийинчиликларга дуч келаётган собиқ афғончи жангчиларга, наинки улар, балки ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳам қўлимиздан келган ёрдамимизни бериш. Олдимизга қўйган эзгу ниятларни амалга ошириш йўлида бизлар бир неча ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этдик. Унда собиқ бай-

налмилалчилар ишлашмоқда. Олинаётган даромадлар эса ана шу мақсадларга сарфланмоқда.

Биз афғончиларнинг аҳволини яхшироқ ўрганиш, нималарга муҳтожлигини билиш учун жойларда бошланғич ташкилотлар тузишни лозим топдик. Токи, улар ҳар бир кишининг туриш-турмушидан хабардор бўлиб, зарур вақтда тегишли ёрдам бера оلسин. Бугунги тўпланишимиздан мақсад ҳам ана шу. Агарда уни тузишга эришсак, бошқарма, шаҳар, туман ИИБ раҳбарларини бир қанча ташвишлардан озод қилардик.

Э. Пулатов нутқини тугатиб, Кенгаш ажратган ёрдам пулини Тожинисо Мўминовага топширар экан, унинг қаршисида тиё чўкиб, бош эгди.

Сўнгра бошқарма бошлигининг ўринбосари Б. Ҳақимовга ходимлар учун «Чимён» дам олиш уйига ажратилган икки дона йўланмани, афғон тупроғида битилган қўшиқлар тўплами ёзилган 5 дона пластинкани

тақдим этди.

Шундай қилиб вилоятда хизмат қилаётган 119 нафар ходимни бирлаштирган афғончилар Кенгаши тузилди. Унга бошқарма ДАНБ ходими милиция капитани Юнусхон Шалоев раис этиб сайланди.

Энди вилоят ИИБда хизмат қилаётган афғончиларнинг дарду-ташвишларини эшитадиган, туғилган муаммоларини ҳал этишга қодир ўз ташкилоти бор.

Йигилиш охирида жумҳурият Афғонистон фахрийлари Кенгаши раисининг ўринбосари Ботир Маҳмудовни суҳбатга тортдик.

— Кенгашимизга нафақат афғончилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, туғма ногиронлар ҳам ёрдам сўраб, мурожаат қилишади. 27 та ишлаб чиқариш корхонасига эгамиз. Уларнинг бири чет эллар билан ташқи савдо алоқаларини йўлга қўйган. Шу икки йил ичида аниқ қилинган ишларга тўхталадиган бўлсам, қуйидагиларни айтиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).



ИЗҚУВАРЛАР ИЗГА ТУШГАНДА

Шу йил 6 августга ўтар кечаси Қувасой шаҳридаги 2-ўрта мактабга ўғри тушди.

Хўжалик мудир хонасидан 4 минг 148 сўм пул номаълум кимса томонидан олиб кетилди.

Мактаб жамоаси, қолаверса, бу воқеани эшитганлар билганлар йўқолган пулдан аллақачон умидларини узиб қўйишганди.

Аммо участка вақили милиция майори А. Сандолимов, жиноят қидирув бўлими оператив вақили милиция капитани Р. Холматов, пост-патрул хизмати милиционер Д. Ҳошимовлар ана шу умидсизлик ўрнига қувонч ҳади этдилар. 8 август кунни мазкур жиноят «муаллифи» қўлга олинди.

Раҳимжон РАҲИМОВ, милиция катта сержанти.

СУВОРИЙЛАР

та от сотиб олинди. Ҳозирги кунларда милиционерлар халқ осойишталигини қўриқлаш мақсадида ана шу аргумоқлардан фойдаланмоқдалар.

— Махсус ташкил этилган отрядга ўз касбига меҳр қўйган ходимларимиз йиғилишди, — дейди ИИБ бошлиғи мили-

ция подполковниги А. Гафуров. — Мисол учун милиция капитани М. Исмонов, милиция майори О. Жалолов, милиция лейтенанти Д. Эшонқулов, милиция старшинаси А. Усеров, милиция сержантлари Д. Умурзоқов, Б. Ҳақимовларни айтиш мумкин.

Дастлабки пайтдаёқ отлик отряд нималарга қодир эканлигини исбот этди.

М. ОХУНЖОНОВ,

МУШАКБОЗ МЕҲМОН

Қоронғу тушиб қолганди. Когон шаҳридаги Боровский кўчасининг 22-уйида яшовчилар ҳовлида ўтириб, эрмакка нард ўйнашарди. Қаредандир пайдо бўлган маст йигит кўпчилик жингига тега бошлади. Унга ётиги билан тушунтиришди.

— Қани, йигитча, бориб дамининг олгин-чи! Лекин қайсар кўп ўтмай қайтиб келди. Қўлидаги алпабалоини тўпланганларга тўғрилаб, хунук иржайди. Гумбирлаган овоз эшитилди, кейин атроф кундуздагидай қароғонлашди. Йигит мушактўппончадан отган экан. Ҳайтовур ҳеч кимга энди етказмади. Яна бир марта мушак узилди. У ҳам нишонга тегмади. Лекин учинчи четроқда турган 19 ёшли О. Даниловага санчилди.

Ҳовлидаги эриклардан бири тобора баданга ботиб бораётган мушакни сўғириб олди. Қаттиқ жароҳатланган аёл

касалхонага ётқизилди.

Тўс-тўполондан фойдаланган йигит яширинишга улгурди. Когон шаҳар, ва тумани ички ишлар бўлими ходимлари гувоҳлар ёрдамида унинг изига тушдилар. Шошилиш кўрилган чоралар тўғрисида когонлик А. Дуров уйига меҳмон сифатида келган Москва вилоятилик Н. Бузаров бу ишга қўл урганлиги аниқланди. Мушакбоз йигитча поччасининг уйи кўздан кечирилганда, мушактўппонча, иккита граната, автоматнинг учта ўқдони, 146 дона ўқи топилиди.

Жиноятни фош этишда ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Х. Иброҳимов, милиция лейтенантлари жиноят қидирув операвикили О. Рашидов, участка вақили Р. Беков балоғатга етмаганлар иши бўйича инспектор М. Тошевларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ғ. ЖУРАЕВ.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Бундан бир неча йил олдин Янгикўрғон тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция подполковниги (ҳозирги кунда истеъфода) Жўраҳон ака Раҳимов ташаббуси билан ажойиб ишга қўл урилганди. Қирғизистоннинг бизга қўшни бўлган Жанги жол тумани тинчлик посбонлари билан дўстона алоқалар йўлга қўйилганди.

Бу анъана айни пайтда давом эттириляпти. Натижа эса қутилганидан ҳам зиёда. Қасб маҳоратини оширишда ўзаро тажриба алмашишлар, керак бўлган пайтда бирор жиноятни очиб борасида бирга иш олиб боришлар фаолиятимизда қўл келмоқда. Ўтган йилнинг 12 октябры кўни участка вакили А. Тожибоев ва жиноят қидирув оператив вакили М. Умаралиевлар Заркент қишлоғида от миниб юрган бир шахсни ушлашди. Текширишлар бу шахс 1963 йилда Қарши шаҳрида туғилган, айни пайтда вақтинча сақлаб туриш хонасидан қочган жиноятчи Ю. Сенников эканлигини кўрсатди.

Қирғиз ҳамкасбларимиз эса бу ёрдамдан ниҳоятда мамнун бўлдилар.

Агар ўтган даврларда амалга оширилган ишларга бир назар ташласак, бундай кишини хушнуд этадиган воқеалар кўплигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бу йил июнь ойида қирғиз дўстларимиз бизнинг туманимизда меҳмон бўлишди. Кейинроқ эса туманимиз ИИБ бошлиғи милиция подполковниги Т. Ботиров ташаббуси билан энг фаол ҳамкасбларимиздан бир гуруҳи Саричелек кўли ёқасида ҳордиқ чиқариб қайтишди.

А. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Янгикўрғон тумани ИИБ катта участка вакили милиция майори.

Р. ҚОЖИАКБАРОВ,
воёга етмаганлар билан ишлаш назоряти бошлиғи милиция катта лейтенанти.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник А. Зазлавскийдан хат келди. У бир неча йиллардан буён тўшаққа михланганлиги ҳақида ёзган эди. Йиғилишиб, қарор қабул қилдик. Унга ва яна икки тугма ногирон болага Италияда ишланган ногиронлар аравачасини сотиб олдик: Албатта, доллар эвазига.

10 нафар ҳалок бўлганларнинг оиласига уй-жиҳоз

ЎҒРИЛИК ИПИ

Шавкат мотоцикл сотиб олмоқчи бўлди. Аммо Рўзбой 1200 сўм нақд берасан деб туриб олди. Ҳеч қаерда ишламайдиган Шавкат шунча пулни қаердан топсин? Икки кун ўтгач, Рўзбойдан Бўстонлик тумани ИИБга ариза тушди. Унда уловчи ўғирлаб кетилгани баён қилинганди. Шавкатдан гумонсирашди. Милиция ходимлари жиноятчини қидираётган пайтларида, Шавкат қолганини кейин бериш шарти билан Рўзбойга 400 сўм келтирди. Аммо туман изқуварларига уни тутиш, Шавкатга эса қолган пуллари бериш насиб этмади. У Тошкент шаҳрида ўғирлик содир этаётганида қўлга тушди. Хусан ИКРОМОВ, милиция катта лейтенанти.

БОШҚАЛАР КЎРМАСИН

йиғмаси (мебель гарнитури) ажратилди.

Шу йилнинг 4 ойи мобайнида 130 минг сўмликдан ортиқ ишлар қилинди. 60 кишига санатория-курортларга йўланма берилди. Ҳалок бўлганларнинг, ногиронларнинг 300 оиласи 4 минг сўмлик 5 хил нашрга обуна қилинди. Айтиш керак, қилинаётган барча ишлар ўз ҳисобимиздан, бепул, беминнатдир.

Ҳозир тагин 4 кишини Италияга жўнатиш учун тараддуд кўрмоқдамиз. Хорижликлар уларга аравача ясаб беришлари керак.

Афғонистонда бедарак йўқолган бир жангчини юртимизга қайтаришга муваффақ бўлдик.

Ҳа, Кенгаш олиб бораётган ишлар мақтовга арзигulik. Ҳақиқий меҳр-оқибат, одабийлик намунасидир. Инсонпарварлик, шафқатнинг ўчоғи мақсадсиз уруш даҳшатларини бошдан кечирган собиқ жангчиларнинг ўзларидан чиқиши ҳам бежиз

эмас. Чунки қийинчиликлар, сонсиз йўқотишлар, беғуноҳ тўкилган қонлар тоблаган уларни. Шояд ўзлари бошлаган ташаббуснинг умри узоқ, савобнинг қўллари узун бўлса. Бу кунларни

улар кўрди, бошқа ҳеч ким кўрмасин!

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.
Суратларда: Афғонистонда ўз бурчларини ўтаган байналмилалчилар йиғилишидан лавҳалар.



Сураткаш Даврон АҲМАД.

ЯНА ЧАЙҚОВЧИЛИК ҲАҚИДА

Савдода қачон тартиб ўрнатилади? Наҳотки чайқовчилар иқтисодий тангликдан фойдаланиб, бемалол бойишаверса? Худди шу савол билан мен Андижон вилояти ИИБ БХСС бўлими бошлиғи Ашурали Султоновга мурожаат қилдим.

— Бугун чайқовчилик жиноятнинг энг кенг тарқалган турига айланган. Унинг ўсиши давлат савдоси тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий тизимнинг бозор муносабатларига қадам қўйиши, даромад билан нарх-наво ўртасидаги тафовутлар, истеъмол бозорининг қашшоқлиги, кундалик буюмларнинг танқислиги, уларнинг тижорат ва воситачи дўконлардаги баҳоси бу жараёни янада чуқурлаштириб юборди.

Август ойигача 188 олибсатарлик аниқланиб, уларнинг 134 таси устидан жиноий иш қўзғатилган. 34 таси катта миқдорда бўлиб, 26 минг сўмлик буюмлар давлатга қайтарилган.

Бу жиноятчилар кимлар? Уларнинг ҳар иккинчиси ишчи, ҳар бешинчиси ўттиз ёшгача бўлган ёшлар.

Аниқланган шахсларнинг деярли ҳаммаси агросаноат, савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат, энгил саноат, ширкат ходимларидир.

— Улар асосан нималар билан чайқовчилик қилишади?

— Биринчи навбатда, ароқ-вино, тамаки маҳсулотлари, уловнинг эҳтиёт қисмлари, ноёб саноат моллари билан.

Чайқов макони — ҳамма жойда. Бозорда, маҳаллада, уйларда, касалхоналарда, мактабларда, ўқув юртларида, иш жойларида.

Чайқовчиликнинг оммавий тус олишига чала Қонунимиз ҳам сабабчи. Чунки, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун «савдо»дан тушган «даромади» 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Устига-устак буюмни сотиб олиш манбаасини аниқлаб, қайта сотишдан қўзланган асл мақсадини исботлаб бериш лозим.

Агарда авваллари сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлган

барча нарсалар чайқовчилик қуроли ҳисобланган бўлса, 1990 йил 31 октябрдаги янги қонунга кўра давлат савдо ташкилотлари ва истеъмол кооперациясида сотиладиган, қатъий давлат баҳоси қўйилган молларни пуллашгина чайқовчилик ҳисобланади.

Чайқовчиликни туғдираётган яна бир нарсаси «карточка» тизимидир. Ваҳоланки, ажратиладиган маҳсулотлар устидан қатъий назорат йўқ. Бу эса уларнинг четга чиқиб кетишига баҳона бўляпти.

Молларни савдодан яшириб қўйиш ҳоллари ҳам чайқовчиликнинг авж олишига замин яратмоқда. Йил бошидан буён 47 факт аниқланиб, 2 миллион сўм давлатга қайтарилди. 35 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Энди колхоз бозорларида иш кўраётган сотиб олиш корхоналари ҳақида икки оғиз гапирсам. У ерда кимлар ишлайди, биласизми? Асосан олибсатарлар. Деҳқондан маҳсулотини кўтарасига сотиб олади-ю, бозорда ўз билган нархини кўяди. Ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиб олганлиги ҳақида қалбаки қогозлар тўлдириш ҳоллари ҳам аниқланган.

Сабзавот, полиз экинлари маҳсулотларини ва бошқа нарсаларни четга ташиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда.

2460 тонна қишлоқ хўжалик, 460 литрдан ошқик ароқ-вино маҳсулотлари, 2000 метрдан ортиқ газлама, 48 минг қути сигарета, 800 минг сўмлик ноёб молларнинг ИИБ ходимлари томонидан тўхтатиб қолиниши бундан яққол далолат бериб турибди.

Ҳозирги пайтда Андижон вилоятидан чиқиб кетиладиган йўлларда 32 та пост фаол иш кўрсатмоқда. Унда 180 нафар милиция ходими кечаю кундуз навбатчиликда.

Тижорат ва воситачи дўконларнинг фаолияти ҳам бошбоқсиз. Биридан кўтарасига мол олиб, иккинчисига яхшигина пуллаш мумкин. Фуқаро Р. Мкртчян Ереван шаҳридаги «Люкс» тижорат дўконидан 105 сўм турадиган аёллар пойабзалидан 46 жуфтини сотиб олган. Андижон шаҳридаги воситачи дўконга 130 сўмдан ўтказиб, 650 сўм соф фойда кўрган.

Чайқовчиликка қарши курашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят ИИБда гуруҳлар тузилган. Унга турли хизмат ходимлари жалб этилган. Гуруҳ бозорларда, дўконларда махсус рейдлар ўтказди. Биргина 17-18 август кунлари 63 жиноий, 243 маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланди. 10 минг сўмлик саноат, 7 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари мусодара қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, РСФСР, Қозоғистон ва Қирғизистон жумҳуриятларида чайқовчилар йўлига ҳеч қандай ғов қўйилмаган. Шу ваддан кўпчилик ўша ёқларга қўйини тўлдириб йўл олмоқда.

1 август кўни 12 турдаги 1,3 минг сўмлик саноат молларини жамлаган Т. Назирова сафардан қайтарилди.

Яна бир мисол. Андижонлик Тоҳир Шамсутдинов Самар шаҳридан кўтарасига 1260 сўмлик «Столичная» ароғи келтириб, ўз шаҳрида ҳар шишасини 35 сўмдан пулламоқчи бўлди.

Андижон шаҳри фуқароси Н. 5 минг қути сигаретани ўстама нархда сотганида эди, 12,5 минг сўм соф фойда кўрарди.

Чайқовчиликка чет элларга зиёрат қилган сайёҳлар ҳам муносиб улуш қўшишмоқда.

Бу иллатга қарши курашда ҳар томонлама пухта ишланган дастур керак. Яқин орада юқорида тилга олинган қонунни қайта кўриб чиқмас эканмиз, барча ҳаракатимиз бир пулга қимматлигича қолаверади.

Сўхбатдош
Рашид ОТАХОНОВ.

БОЗОР БАҲОСИДА 5215 СЎМ

1966 йилда туғилган Абдуҳамид Абдурахмонов давлат до-рипфунунида тинчгина ўқиб, бинойидек яшаб юрганди. Бозор иқтисодиёти деган «меҳмон» эшикни тақиллатмасдан кириб келдию буткул ороми йўқолди. «Бу ёғига аввалгидек фаровон яшаш: ёганинг олдинда, емаганинг кетинда бўлиб юриш мушкул, — деб ўйлади ўзича. — Бир иложини топмаса бўлмайди. Акс ҳолда уйингда сичқонлар ҳасса таяниши турган гап».

Яшин тезлигида миясига келган фикрдан қувониб кетди. Ҳатто ўзининг топқирлигига ўзи қойил қолди. Аммо бир томони бор, режасини битта ўзи амалга ошириши мушкул.

Абдуҳамид ўзи туғилиб-ўсган Оқер қишлоғидаги барча тенгдошларини бир-бир кўз олдиға келтира бошлади. Тўғриси айтганда, уларнинг бирортасига ҳам кўнгли чопмади. Яна пешонасига муштини тираган кўйи хаёлан ҳамтовоқ қидира кетди. Топди! 1973 йилда туғилган Акмалжон Султонов ҳам

ҚАНИ ЭДИ ШУНДАЙ БЎЛСА...

Расмий маълумотларга қараганда, йўл-улов ҳодисаларининг 70 фоизи бевосята ҳайдовчилар айби билан юз берар экан. Яна ҳам аниқроғи маст ҳолатда рул бошқариш туфайли.

Битта ҳайдовчининг қиттайгина ичиб олиб, рулга ўтириши натижасида фуқаролар ҳаёт билан видолашмоқдалар, кўплар эса тан жароҳатлари олиб, майиб-мажруҳ бўлиб қолмоқдалар. Суд эса айбдор ҳайдовчинини маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқариш билан чекланмоқда.

Оқибатда кўпгина тартиб-бузарлар кўза кунда эмас, кунда сенишини ҳаёлларига ҳам келтирмайптилар. Ширакайф ҳолатда ўз машинасининг шамолдан учқурлигини синаб кўриш ҳоллари давом этапти.

Ички ишлар соҳасида анча мунча йиллар хизмат қилиб қўйдим. Лекин шу йиллар давомида бирорта хўжалик ёки ташкилотдан ДАНга мурожаат қилиб: «Бизнинг бир ходимимиз маст ҳолатда улов бошқармоқчи эди, тўхтатиб қолдик. Келинглари, биргаликда муҳокама этайлик», — дейишганини эшитмадим.

Йигирларда эса ичкилик-бозликка қарши курашиш ҳаммининг бурчи, деган гапни такрорлашдан чарчамай-миз. Демак, бу нараса фаақат оғизда ёки қоғозда қилиб кетаяпти, амалда эса ҳеч қандай силжиш йўқ.

Энди бундай яшаб ва ишлаб бўлмайди. Қачонгача ҳаётнинг гултожи ҳисобланмиш инсон оғу таъсиридан кўзлари қисилган маст ҳайдовчи айби туфайли жабр кўраверади?

Таклифим бундай: агар бирор маст ҳайдовчи кимнидир уриб кетса, суд орқали фақат унинг ўзини жазолаш билангина чекланишга нуқта қўймоқ даркор. Айтайлик, бу борада ўша ноинсоф ишлаётган автокорхона жамоаси ҳам жавоб берсин.

Қандай қилиб? Йўли бор, ўша маст ҳайдовчи ишлаётган корхонага 50-100 минг сўмгача жарима солиш ло-

зим. Интизомсизликни пул билан уриш керак.

Ҳозирги кунда кўпгина автохўжаликлар раҳбарлари йўлдаги ҳодисаларга ўта бепарқлик билан қарамоқдалар. Ҳатто йўл ҳаракати хавфсизлиги муҳандисларидан ҳам кўп ҳолларда бошқа юмушлардан фойдаланмоқдалар.

Мутахассислар фикрига қараганда, агар улардан унумли фойдаланилса, битта йўл ҳаракати хавфсизлиги муҳандиси 10 йиллик иш фаолияти жараёнида 25 та бахтсиз ҳодисанинг олдини олиши, шу туфайли 5 кишини ўлимдан, 25 кишини майиб-мажруҳликдан сақлаб қолиши мумкин экан.

Ана шундай муҳандислардан фойдаланиш корхонага 5-10 минг сўмга тушади, улардан фойдаланмаслик эса умуман жамиятга 16 минг сўмдан зиёдроқ зарар келтиради. Қай бири фойдали эканлигини ўзингиз ўйлаб кўраверинг.

Агар юқоридаги таклифимиз амалга ошиб, қонун йўли билан мустаҳкамландиган бўлса, ҳар бир раҳбар интизомни биринчи даражага қўйишга мажбур бўлади. Буни оддий арифметик йўл билан ҳам исботлаш мумкин. Айтайлик, бир йилда шу хўжаликдаги автомобиллар иштироки ёки айби билан 10 та фалокат содир этилса, бир неча юз минг сўмлаб товон тўлашга мажбур бўлинади. Ҳоҳлайдимиз-йўқми, раҳбар жиддийроқ бош қотиришга мажбур бўлади: автофалокатларнинг олдини олиш борасида амалий тадбир қўллагани маъқулми ёки товон тўлаганими?

Ўша ташкилот хўжалик ҳисобига ўтган бўлса-чи?

Аниқки, товон тўлаш асносида бутунлай «ўтириб» қолади. Меҳнат жамоаси эса ҳаракат хавфсизлигига шанжа орасидан қараган раҳбарнинг баҳридан ўтади.

Ана шундагина серқатнов йўлларда сиз ва биз, энг муҳими болаларимиз эмин-эркин юришлари мумкин.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.

Андижонлик Фарида Ғиёсова бирор жойда фойдали меҳнат билан шуғулланмайдди. Лекин яшаш тарзи ҳеч кимникидан кам эмас. Чунки қўлида «гулдек» ҳунари бор — чайқовчиликда устаси фаранг.

У миждозлари орасида шундай ҳурмат қозонганки, бирор киши: «Хов, опа, ароғингиз неча пулдан?» —

ФАРИДАНИНГ АРОҒИ

деб сўрамайди. Индамай 20 сўм узатадида, бир шишани қўлиқлаб, йўлида равона бўлади.

Яқинда ана шу моҳир ҳожатбарорнинг пайтавасига қўрт тушди. Санаб кўрса, бир кунда ошириб ва яшириб ароқ сотиш ҳисобига

тушган «соф даромад» 690 сўм бўлибди. Лекин қувончи узоққа чўзилмади.

Милиция хоймлари унинг уйдан катта миқдорда «Рус ароғи» топишди.

О. РАШИДОВ, ички хизмат майори.



Пскент тумани ИИБ участка катта инспектори милиция майори Рихсатилла Нишонбоев ўн йилдан буён юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида бенуқсон хизмат қилиб келмоқда. Унинг участкасида 3700 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг тўйи ҳам, азаси ҳам Рихсатилласиз ўтмайди. Одамлар билан тез тиллашиб, улар-

нинг оғир кунларида ҳамнаша ёнида бўлгани сабабли ҳам эл орасида яхши эътибор топган.

СУРАТДА: Р. Нишонбоев (ўнгда) ёш участка вакиллари милиция лейтенантлари Фурқат Нишонов ва Исмоилжон Умаровлар билан суҳбатда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЧОҲ

Фарруҳ. Чиройли исм-а? Ота-онаси фарзандларини буним билан атаб, биринчи вази фасини тўла ўташгани кўриниб турибди. Аммо одоби-га келганда, жиливини бўш қўйишган экан. Фарруҳ 20 ёшга тўлмай ўғирлиги учун судланган. Ҳозир шу ёш арафасида. Бироқ шундай қўтлуғ ёшини яна тутқунликда ўтказиш...

У вояга етмаган Зоир билан Ғазалкент шаҳри фуқароси Салима К. нинг уйига ўғирликка тушди.

Зоир майда ҳуқуқбузарлиги учун аввал Наманганда, сўнгра Самарқанддаги маҳсус мактабда 1,5 йил ўқиб келган бўлса-да, яна жиноятга қўл урди. Бундан ташқари Фарруҳнинг қистови билан шаҳар дўкони ёнидан Б. Неъматовга тегишли велосипедни олиб қочган.

Суд ҳайъати бу икки йигитчага ачиниш билан боқадди. Ўз тақдирларини эгри қўллари билан синдираётган ўсмирларни тўғри йўлга қайтариш учун нималар қилишга ҳайрон. Улар эса қасдма-қасдига фақат тутқунликка интилаётгандай.

Нур БАДИА.

Балога қолган сурнайчими? Агар шундай бўлса, адолат қаерда қолди?

Мақсадни мутлақо айтмай туриб, худди томдан тараша тушгандай ташлаган саволимга тушунмадингиз, бунини биланаман. Зеро, бу қаттиқ ҳаяжондан, қонунларимиз номукамаллиги туфайли юзага келган жиғибийронликдан.

Яхши, ҳис-туйғуларга ўралашиб қолмасликка, аввал жиғибийронлигим сабабини ифода этишга ҳаракат қиламан.

Инсон ҳар нарасага чидаши мумкин. Қийналса ҳам чидайди. Чунки унга бардош, сабр-тоқат ато этилган. Лекин жамият ижодкори ҳисобланмиш аёл кишининг йиғисини эшитганда-чи? Бояги бардош, сабр-тоқат деган нарсалардан асар ҳам қолмайди. Ҳар қандай музюрак эрийди, ҳар қандай қотиб кетган дийда ҳам беихтиёр намланади. Менинг назаримда шундай.

Шу йил 4 июнь куни Акмал Икромов тумани халқ судининг мажлиси бўлди. Аввалига мажлис иштирокчиларининг аксарияти қора курсида терилиб ўтирганларга ўқтин-ўқтин ошқора газаб билан қараб қўйишарди. Сабоби маълум. Кейинги пайтларда ўзбекча асосиз тош отмаганлар, беҳуда бўҳтон ёдирмаганлар қолмади ҳисоб. Энди-энди шундай кўнгилсизликларга барҳам берилаяпти. Ана шундай шароитда ўзбек деган номга доғ туширган, ўзи каби бир бечоранинг йиллаб йиққан мулкига кўз олайтирган шахсларга ким ҳам кулиб қарар-

«FAT-FAT» ҚИЛГАН КАРНАЙЧИЮ...

ди, ким ҳам хайрихоҳ бўларди!

Судланувчиларга сўз берилди. Улар бўлган воқеани айтиб, қаттиқ пушаймон эканликларини билдиришар, залда ўтирганлар эса: «Бу ҳақда аввалроқ ўйлаш керак эди, кейинги пушаймондан не наф бор!» — дея луқма ташлашарди.

Бир пайт аёлга сўз берилди.

— Судланувчи Сайдалиев менинг турмуш ўртоғим, Абдуқодиров эса укам бўлади, — деди у ғилт-ғилт ёш айланган кўзларини ерга қадаганча. — Эрталаб хўжайиним, укам ва Дилшодлар уйимизга кириб келишди. Бир соатча ўтиришди. Кейин менга ҳеч нараса демасдан чиқиб кетишди. Кечкурун эса хўжайиним менга 300 сўм пул берди. Бу пулнинг ўғирлик эканлигини хўжайиним ва укамни милиция ходимлари олиб чиқиб кетаётганларида билдим...

Шундан кейин у анча-мунча фурсат жим қолди. Яна гапирмоқчи эди. Гапиролмади. Ич-ичидан отилиб келаётган хўрлиқни ва кўзларидан сизиб чиқаётган жолани лабларини қаттиқ тишлаган кўйи арабг тўхтатди. Бир сонияга. Кейин ожизлик қилди.

— Худо хайрингизни берсин, — деди суд ҳайъатига қараб. — Уч нафар болам бор. Ўшалар ҳурмати, эрим-

га енгиллик беринг. Уни қамаманглари. Ахир... ахир, ҳолимиз нима кечади?!

Ҳа, у нафақат аёл, балки она. Шу боис, унинг ноласи ҳаммининг юрагини сел қилиб юборди.

Шундан кейин жабрланувчи Юсупов сўз олди.

— 19 март куни уйимизда ҳеч ким йўқ эди, — деди у чуқур тин олиб. — Соат тушдан кейинги 2 ларда келдим. Не кўз билан кўрайки, дарвозамиз аждаҳо-нинг оғзидек лаг очик турарди. Юрагим ҳапқириб кетди. Шошилиб ичкарига кирдим. Қарасам, ҳамма ёқ остин-устун қилиб ташланган.

Вақтни ўтказмасдан милицияга хабар қилдим. Улар тезда етиб келиб, ануви учала ўғри гумдон қилган моллар рўйхатини тузишди. 31 минг 412 сўмлик мол-мулкимни орқалашган экан.

Тўғриси айтганда, ўша дамда узоқ йиллар пешона тери эвазига йиққан нарсаларимдан бир кунда ажраб қолганимни тушундим. Топилмаса керак, деб ўйладим. Худога шукурки, милиция ходимлари топиб беришди.

Тергов пайтида 17 минг 312 сўмлик буюмларимни қайтариб беришди. Қолган 14 минг 100 сўмлик буюмлар қийматини эса ота-оналари тўлашди.

Майли, энди уларга даъвойим йўқ...

Тўғриси айтганда, ўша маҳалда суд мажлисига раслик қилаётган Қодир ака Йўлчиевнинг ҳам, халқ масалаҳатчиларининг ҳам боши қотиб қолганди.

Нима қилиш керак? Қаттиқ чора кўрилмаса, бу марҳамат нопокликка мойил кўнгилларга рағбат бўлмай-дими? Ахир, жабрланувчи дардига малҳам қўйил

ГҮРКОВНИНГ ДУШМАНИ

Тун ярмида қабристондан жонхалатда қочиб чиққан кишини милиция ходимлари қўлга олдилар. Оғзидан гуллаб ароқ ҳиди анқиб тургани эмас, қассоб қўлидаги бўғизланган қўй каби бўйнидан тирқираб оқаётган қон уларнинг эътиборини тортди. Хунрезлик бўлгани, жиноят содир этилгани аниқ, лекин ким билан ўтириб ичган унга ким пичоқ ургани ноаниқ. Сўроқ қилишнинг вақти эмас, зудлик билан тез тиббий ёрдам кўрсатилмаса, кўп қон йўқотиб, ҳаёт билан видолашиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ишни дастлаб унга тиббий ёрдам беришдан бошлаб, кейин шахсини аниқладилар. Виталий Козлов исмли киши экан. Лекин у жонига қасд қилиб, ўлдирмоқчи бўлган одамнинг кимлигини айтишни истамасди. Унинг «ичимдагини топилиги» ҳамма тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимлари учун анча ташвиш туғдирди.

Козловни жиноят содир этилган жой — қабристонга олиб бордилар. У ерда бир аёл жасади қизил қонга қоришиб ётарди. Юраги устидан урилган пичоқ мўлжалга беҳато теккан. Ҳали совиб улгурмаган жасад жиноят бир неча соат олдин содир этилганидан дарак берар эди.

Жиноятчи узоққа кетиб улгурмаган бўлиши керак, балки қабристон ичига яширингандир, деган ўй билан ичкарига қараб юриб, 25-30 ёшлар атрофидаги бир эркак мурдаси — юзларида қўрқув ва даҳшат қотиб қолган жасадга тўғри келдилар.

Мудҳиш фожиаларга бой бўлган касб эгалари довдираб қолмадилар. Қон тўкилишига сабабчи бўлган омиллари текшириб, қотил кимлигини аниқлашга киришдилар... Сўраб-суриштириш бошланди, бироқ калаванинг учини топиш мушкул эди. Хайрият, ўша кунни яқин кишининг қабрини зиёрат қилиш учун келган бир аёл мудҳиш фожиани кўрган экан. Унинг берган гувоҳлиги туфайли жиноят очилди. Тергов давомида маълум бўлишича, эркак жасади Деян Бережний исмли кишиники бўлиб, у қабристонда гурков бўлиб ишлар экан. Гурковлик савоб иш, лекин у ичкилик серолиги учун бу касбни танлаган эди. Чунки Насронийлар қабристонидан марҳумлар шаънига илиқ гаплар айтилиб, оз-моз ичилади. Албатта, гурков ҳам бундан бе-насиб қолмайди. Ўзига аталганини ичади, хизмат ҳақини олади. Ҳатто гурковлар ҳам ёлғиз ичкини ёқтирмайди. Уларнинг ҳам ўз улфатлари

бор.

27 июль кунни бир аёл ва уч эркак одатдагидек топганини ўртага қўйиб, ичкини бошлади. Бошқа жойларга қараганда қабристон анча салқин, иссиқни тафти унча сезилмайди, қолаверса тинч, мелиса-пелиса кирмайди. Кирганда ҳам бирор нарсаси демайди, чунки марҳумлар руҳи учун ичишяпти, деб халақит бермайди.

Ўша кунни марҳумларни хотирлайдиган, маросим бўлган шекилли, ичкилик сероб бўлди. Эрта тонгдан бошланган ароқхўрлик ярим тунда ҳам тугамади. Ярим тун. Қабристон узра сукунат ҳукмрон... Сукунатни оёқлари чалқашиб кетаётган тўрт кишининг овози бузиб турибди.

— Унга энди бошқа вино берманглар, ўзи тайёр бўлиб қолибди, — деди Козлов оёқда базўр турган кишини қўли билан кўрсатиб.

Бу сўз шеригининг нафсониятига тегиб, ичкиликдан сармаст бўлган қонини қиздириб, жунбушга келтирди:

— Нега менга вино бермас экан, мен сени ҳақингни ичяпманми? — деб ёнидан пичоқ чиқариб, Козловнинг бўйига урди.

Бўғиздан тирқираб қон оқиб, Козлов қочишга тушди. Қабристондан чиқишда нима-

гадир, чалишиб йиқилди. Унинг ағнаганини кўрган қотил беҳосдан ҳушёр тортди. «Ўлди», — деб ўйлади. Қўзига панжара ичидаги завқсиз ҳаёт кўрингандек бўлиб, қочишга чоғланди, лекин қаёққа ҳам борарди. Қаршисидаги тирик гувоҳлар турган бўлса! «Буларни йўқотиш керак, шундагина қилган кирдикорим очилмай, ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолади» — деган ўй билан ичкилик таъсирида сочлари тўзғиб, латофатини йўқотиб, кўзлари қисилиб, тебраниб турган аёл кўкрагига пичоқ урди. У йиқилиб, бир-икки тебраниб-ю, жон берди. Қонли манзарани кўриб турган яна бир тирик гувоҳ, Дмитрийев кўриб кетганидан жонхалатда орқа-олдига қарамай қабрларни оралаб қоча бошлади. Кўзи қонга тўлиб, инсонийлик қиёфасини йўқотган қотил назарида у шу кетишида тўғри милицияга бориб, воқеани айтиб берадигандек туюлди.

Ўлим чангалидан, Азроил панжасидан қочиб қутилиш Дмитриевга насиб этмади. Қисмат экан, қотил урган пичоқ зарбидан гурсиллаб қулади. Ҳаётга, яшашга бўлган интиқлик туришга ундади, туриш учун талпинди, бироқ кўкрагига урилган пичоқ зарбидан беҳуш йиқилди. Хирллаб нафас олганида кўкрагидан қон вулқон бўлиб отила бошлади. Қуриган хас-хашаклар қип-қизил қонга бўялиб, унинг юзида даҳшатли ифода акс этиб қотиб қолди.

Қабристондаги икки кишининг қотили ким эканлигини аниқлаш шаҳар прокурорининг катта терговчиси Каримжон Ҳожиқулов зиммасига юклатилди. Олдин ҳам бир марта судланган қотил қўлга олинди. Эрта-индин одил суд ҳукми ўқилади.

Икром РАҲИМОВ,
милиция майори,
Шовқиддин САМИЕВ,
«Постда»нинг жамоати мухбири.

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Муҳарририятимизга собиқ байналмилалчи-жангчи А. Массневдан мактуб келди. У ўз хатида қандай имтиёз ва ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида сўрабди.

А. Масснев ва у каби собиқ байналмилалчи-жангчиларнинг истагини инобатга олиб, бу масалаларни ёритиб беришга аҳд қилдик.

1. Хизматнинг белгиланиши

Ҳукуматимизнинг 1983 йил 17 январдаги қарори асосида Афғонистонда хизмат ўтаган ҳарбий хизматчиларнинг нафақа пули тасдиқланаётганда, 1 ой хизмати 3 ой деб ҳисобланади.

Аммо бу имтиёз Афғонистонда белгиланган муддатни тўлиқ ўтаганлик шарт билан ҳисобга олинади. Ярадорлик, контузия, майиблик ёки касаллик сабаб бўлган тақдирда эса хизмат муддатига қарамасдан имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари имтиёзли нафақа тасдиқланаётганда, ярадорлик, контузия, майиблик ва касаллик туфайли даволаниш муассасаларида ўтказилган вақт ҳам хизмат муддатига қўшилади.

Қуйидаги имтиёз ҳарбий хизматчилар номига доғ туширган, ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилиб, Афғонистондан қайтариб юборилган ҳарбий хизматчилар учун берилмайди.

МАСТ-АЛАСТЛАР НАҒМАСИ

Зомин тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция капитани Икром Тошбоев билан суҳбат мавзуси ичкилик-бозорлик қарши кураш ҳақида бўлди.

— Икром ака, тумани ИИБда ичкилик-бозорлик билан боғлиқ қандай жиноятлар қайд қилинган?

— Дўконларда ароқнинг талон билан берилишига қарамай кўчада юрган маст-аластлар кўпайиб бормоқда. Ҳушёрхонага ташриф буюрувчиларнинг аксарияти ҳайдовчилардир. Кўзлари кайфдан омилган бу кишилар йўллардаги тасодифларга тайёрми? Йўқ. Аксинча ўзлари бу ҳалокатларнинг сабабчиси. Бундан ташқари маст бўлиб, уйда хотин, бола-чақасини қувиб, тўполон кўтариб, қўни-қўшниларнинг тинчини бузаётганлар қанча? Тумандаги 26-автокорхона ҳайдовчиси Абдурахмон Утанов бир эмас, уч бор идорамизнинг «фахрий меҳмони» бўлди. У ишләётган ташкилотга чора кўриш учун тегишли ҳужжат юбордик. Аф-

сус, Абдурахмоннинг ишхонаси унга етарли эътибор бермади. Уйдагилар ҳам унинг нағмаларидан обдон бешишган. А. Утанов ўзи каби ароққа муккасидан кетган Т. Азимов билан Жиззах шаҳридаги наркологиya шифохонасига жўнатилди.

Кайфи ошган С. Жўраев ва Ж. Мусаевлар туман марказидаги «Мархабо» кўп молли дўкони олдида турган 26-автокорхонага тегишли 36-33 ДДЛ давлат рақамли автобусни олиб қочишган.

6-автокорхона ҳайдовчиси А. Хўжабеков ва электрик А. Холмуродовлар ҳам томоқларини хўллаб олишгач, М. Бердиев бошқариб келаётган уловга қўл кўтаришди.

Зарбдор туманигача элтиб қўйишни илтимос қилган йигитлар «Ғалабанинг 40 йиллиги» давлат хўжалигига етишгач, ниятлари ўзгарди.

Улар М. Бердиевга тан жароҳати етказиб, машинадан тушириб қолдиришди.

— Айтингчи, ичувчиларга нисбатан қўлланилаётган чора-

лар ўзини оқлайдими?

— Йўқ, албатта. Масалан, 1967 йилда туғилган Н. Ғафуров уйига маст-аласт кириб келиб, катта жанжал кўтарган. Рафиқаси милиция чақиришга мажбур бўлган. Унга жумҳурият маъмурий ҳуқуқбузарлик мажмуасининг 117-моддасига асосан 20 сўм жарима солинди.

Уйлаб кўринг, 20 сўмгина. Ваҳоланки, бу бизнинг кас-самизга тушса ҳам майли эди. Ҳеч бўлмаганда сарф бўлган ёнилгини оқларди. Агарда 15 сўмга ароқ сотиб олиб 1000 сўм жарима тўлашни билганида эди, қушга ҳам озор бермаган бўларди. Ёки бошқа мисолни олайлик. Ҳайдовчи Х. Умаров ичса бировга тегишгиси келади. Тунда М. Норбоевни учратиб қолиб, роса сўкиб хуморини ёзади. Оқибатда халқ суди томонидан 50 сўм жарима тўлашга ҳукм қилинди.

Маҳалла-кўйда, жамоат олдида муҳомама этилиб, изза қилинса-ку, 50 сўм жарима тўлашдан фойдаси кўпроқ бўларди.

Суҳбатдош Илҳом ТОҒАЙ ўғли.

ШОШИЛИНЧ ҚИДИРУВ

Тергов боши берк кўчага кириб қолди. Шуларни инобатга олиб, сизларга мурожаат қилмоқчимиз.

Кимда-ким янги (қоғози узилган-узилмаганини айтолмаймиз) аёллар, эркаклар, бо-

лаларнинг турли ўлчовдаги уст-бошларини, пойфазалларини, ҳар хил гўлдаги, рангдаги газламаларни 5, 10, 25, 50 сўмлик қоғоз пулларни (янги бўлиши, бўлмаслиги ҳам мумкин) эгасиз учратиб қолса, дарҳол милицияга хабар қил-

син. Ёки ётган жойини маълум этсин. Юқоридаги буюмларни шахсан келтирганларга уларни эски нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Бу билан фуқаролик бурчингизни бажарибгина қолмай, тергов ишларига катта ёрдам бериб, бир наҳанг мудирнинг жазосини енгиллатган бўласиз. Унутманг!

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Куйбишев туманидаги 65-кечки ўрта мактабни 1972 йили тугаллагани учун Садиллаева Мавлюда Асадуллаевна номига берилган 089597-рақамли ўрта маълумот ҳақидаги етуқлик аттестати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ